Маҳаллаларида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таҳминлашдаги устувор вазифалар ҳамда бу борада динийлик, дунёвийлик ва радикаллашув масалаларининг ўзига хос жиҳатлари

Мавзу доирасида қамраб олинадиган масалалар

Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари:

- **Дин соҳасидаги ягона давлат сиёсати**
- **Динийлик, дунёвийлик ва радикаллашувнинг ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига таъсири**

Мавзуга доир муҳим масалалар:

- **Кузатувлар**
- **Таҳлиллар**
- **Муаммо ва ечимлар**

“Бизнинг қадимий ва саховатли зами- нимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакил- лари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмон-дўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади”

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

”



2017-2024 ЙИЛЛАРДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲА ФАОЛИЯТИГА ОИД ЖАМИ **58 ТА** ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

5
Ўзбекистон Республикаси Қонуни

4
Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони

28
Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори

21
Вазирлар Маҳкамаси қарори

Дин соҳасида ягона давлат сиёсати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

1-модда.

Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган **суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий** давлат.

19-модда.

…Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, **жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан** қатъи назар, **қонун олдида тенгдирлар.**

35-модда.

Ҳамма учун **виждон эркинлиги** кафолатланади. Ҳар ким **хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик** ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Дин соҳасида ягона давлат сиёсати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

71-модда.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, **урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи**, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи **сиёсий партияларнинг**, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек **миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг**, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади.

75-модда.

Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмайди.
Давлат қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган **диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлигини кафолатлайди.**

Дин соҳасида ягона давлат сиёсати

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

5-модда. Виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий устуворликлари

- Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, диний қарашларни **мажбуран сингдиришга** йўл қўймаган ҳолда, уларнинг виждон эркинлигига бўлган ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун **тенг шарт-шароитлар** яратиш.
- Конфессиялар ўртасидаги **тинчлик ва тотувлик**ни мустаҳкамлаш, жамиятда **диний бағрикенглик**ни таъминлаш.
- Виждон эркинлигини таъминлашда **дунёвий давлат** қурилишини сақлаб қолиш.
- Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка **фуқаролар ҳамда диний ташкилотлар** томонидан риоя этилишини таъминлаш.

Дин соҳасида ягона давлат сиёсати

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

6-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги

Қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан **ҳеч ким ўз диний эътиқодларини сабаб қилиб** бўйин товлаши мумкин эмас. Бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирор-бир **устунликлар ёки чекловлар** белгилашга йўл қўйилмайди.

7-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги

Ўзбекистон Республикасида **дин давлатдан ажратилган**.

Давлат турли динларга эътиқод қиладиган ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида **ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига** кўмаклашади, диний **ақидапарастлик** ҳамда **экстремизмга**, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида **адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди**.

Давлат конфессияларнинг **тинч-тотув яшашига кафил** бўлади. **Миссионерлик ва прозелитизм**ни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

2017-2024 йилларда диний-маърифий соҳани янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга эътибор қаратилди:

- Ўзбекистон Республикасининг дунёвий давлат тамойилини амалий рўёбга чиқариш, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш;
- жамиятда **«Жаҳолатга қарши маърифат»** улуғвор ғояси асосида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этиш;
- диний мутаассиблик ва экстремизм ғояларини тарқатиш, турли конфессиялар ўртасида адоватни юзага келтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик чораларини кўриш;
- мамлакатдаги диний-ижтимоий жараёнлар ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш масалаларини ўрганиш;
- давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;
- фуқароларнинг хорижий давлатларга ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистонга зиёрат туризмини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш;
- Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда дин соҳасидаги ягона давлат сиёсатига нисбатан нохолис маълумотлар тарқалишининг олдини олиш.

“МЕҲР” ОПЕРАЦИЯЛАРИ

2017-2023 йилларда Давлат Раҳбарининг топшириғига асосан
5 марта “Меҳр” инсонпарварлик операциялари амалга оширилди. Дастур доирасида Сурия ва Афғонистондан 531 нафар
фуқаро олиб келинди.

эркаклар
24

аёллар
121

болалар
379

чет эл фуқаролари
7

Мутаассиблик белгилари

Миллий ва давлат миқёсида нишонланадиган байрамларни (Наврўз, Янги йил, 8 март) нишонлашни **ҳаром дейиш;**

Мусиқа, қўшиқнинг барча турлари, **расм чизиш, ҳайкалтарошликнинг** ҳар қандай шаклини **ҳаром дейиш;**

Кино, театр, турли кўнгилочар масканлар, **радио ва телевизордан** фойдаланишнинг барча турларини, исломий бўлмаган музмундаги **китобларни** ўқишни **ҳаром дейиш;**

Костюм, пиджак, галстук, шляпа, кепка ва бошқа турдаги кийимларни кийишни шариатга зид деб **даъво қилиш;**

Аёл ва қизларни дунёвий таълим олишига қаршилик кўрсатиш, мактаб ва коллежларига боришига қўймаслик, буни ҳаром дейиш ва ҳок.